

ШАРТНОМА

2022 йил 18. Ди Вур

Урганч шаҳар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Республика Инкассация хизмати давлат унитар корхонаси Хоразм вилоят бошқармаси, кейинги ўринларда “Инкассация хизмати” деб аталувчи, Ишончнома асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи С.Абдуллаев, Гурлан туман тиббиёт бирлашмаси кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталувчи низом асосида иш юритувчи А.Каримов иккинчи тарафдан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар

1. Шартнома предмети.

1.1. “Инкассация хизмати” ўз кучи ҳамда воситалари билан, “Буюртмачи” билан келишган кунларда ва соатларда пул тушумини йиғади. “Буюртмачи”лар рўйхатлари, пул тушумлари йиғиладиган кунлар ва соатлар кўрсатилган катнов жадваллари “Банк” билан “Инкассация хизмати” ўртасида келишиб тузилади. “Банк” инкассаторлардан нақд пулни қабул қилиб олади ва ўз вақтида “Буюртмачи”нинг ҳисоб рақамига ўтказди. “Буюртмачи” эса, “Инкассация хизмати” томонидан кўрсатилган хизматлар учун ушбу шартномада кўзда тутилган миқдорларда ва муддатларда ҳақ тўлайди.

1.2. “Инкассация хизмати” томонидан “Буюртмачи”нинг пул тушумини йиғиш ишлари ҳафтанинг яшанба ва байрам кунларидан ташқари амалга оширилади. Пул тушумини яшанба ва байрам кунлари йиғиш ишлари “Буюртмачи”нинг алоҳида буюртмасига асосан амалга оширилиши мумкин.

2. Тарафларнинг мажбуриятлари.

2.1. “Инкассация хизмати”нинг мажбуриятлари:

- “Буюртмачи”нинг нақд пул тушумларини мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган кунлари инкассация қилинишини таъминлайди;

- ўз кучи ва техник воситаси билан “Буюртмачи”нинг кунлик нақд пул тушумини йиғади ҳамда “Банк”ка бутлигини ва дахлсизлигини таъминлаган ҳолда олиб бориб топширади;

- “Буюртмачи” томонидан 93-922-34-22 телефон рақами орқали берилган буюртмаларни алоҳида юритилган китобда қайд этади ва “Буюртмачи”нинг пул тушумини буюртмада кўрсатилган кунлари ўз вақтида инкассация қилинишини таъминлайди;

- “Буюртмачи”нинг масъул вакилига нақд пул тушуми солинган инкассатор сумка (қоп)ларини топшириш тартибини ўргатади;

- “Инкассация хизмати”нинг инкассаторлари томонидан нақд пул тушуми солинган инкассатор сумка (қоп)ларида ташқи шикастланишлар (ямоқлар, чоклари сўкилган, йиртилган, тизимчаларнинг узилган ёки тугилган жойлари) мавжуд бўлганда, пломбага пломбираторнинг изи аниқ туширилмаганда, шикастланганда, тасдиқланган намунага мос келмаганда ва илова ҳужжатларида камчиликлар мавжуд бўлганда қабул қилинмайди. Инкассатор сумка (қоп)лари ва илова ҳужжатларидаги камчиликлар бартараф этилгандан кейингина улар қабул қилинади.

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

- кунлик нақд пул тушумини

Довр Кун
(даврийлиги) ой синаси ёки ҳафта кунлари кўрсатилади)

“Инкассация хизмати” инкассаторларига топширилишини таъминлайди (бунда “Буюртмачи” бир кун олдин буюртма берган ҳолда бошқа кунлари ҳам “Инкассация хизмати” орқали кунлик пул тушумларини топшириш ҳуқуқини сақлаб қолади);

- нақд пул тушуми солинган инкассатор сумка (қоп)ларини ўз вақтида ва белгиланган тартибда инкассаторларга топширилишига масъулдир;

- “Буюртмачи” томонидан қўшимча равишда пул тушумини топшириш зарурати туғилганда “Инкассация хизмати”нинг 93-922-34-22 навбатчи телефон рақами орқали корхона номини ва манзилини, буюртма берувчининг исми, шарифи ва телефон рақамини билдирган ҳолда буюртма беради;

- инкассаторлар пул тушумини олишга бориши учун йўллар ва кириш йўлаклари бўш бўлишини таъминлайди, шунингдек, пул тушумини қабул қилиниши учун шароитларни яратиб беради ва нақд пул солинган инкассатор сумка (қоп)ларини инкассаторлар келишидан 15 дақиқа аввал тайёрлаб қўяди;

- “Инкассация хизмати” инкассаторлари пул тушумини инкассация қилиш учун шохобчага келганларида пул тайёр бўлмаслик ёки пул солинган инкассатор сумкаси (қопи)да шикастланишлар, илова ҳужжатларида камчиликлар аниқланганда пул тушуми солинган сумка (қоп) қабул қилинмайди. Камчиликлар жойида бартараф қилинган тақдирда пул тушуми солинган сумка (қоп) инкассация қилинади. Агар камчиликларни бартараф қилишга кўпроқ вақт талаб қилинса, инкассаторларнинг қайта қатновида инкассация қилиниши мумкин. Бунда қайтақатнов учун шартноманинг 3.1.бандини 5 устунига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинади;

- “Инкассация хизмати” ташрифини вақтинчалик тўхтатиш ёки тиклаш лозим бўлганда “Инкассация хизмати”ни ва “Банк”ни олдиндан ёзма равишда огоҳ этади;

- инкассатордан фотосурати бўлган хизмат гувоҳномасини ва пул тушумини қабул қилиш ваколатини берувчи Ишончномасини кўрсатишини, нақд пул тушуми солинган инкассатор сумкаси (қоп)нинг квитанциясига халта рақамини ва сана қайд этишини, имзо чекиб, йўналиш рақами кўрсатилган муҳрни босиб беришини талаб қилади.

3. Инкассация хизмати учун ҳақ тўлаш.

3.1. Пул тушумини йиғиш хизматлари учун "Буюртмачи" "Инкассация хизмати"га ўтган ойда инкассация қилинган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб, қуйида кўрсатилган тарифлардан бирини танлаш йўли билан ҳақ тўлайди:

| № | Ой давомида инкассация қилинадиган нақд пул тушуми миқдори | Фоиз тарифи * (бир ойлик инкассация қилинган пулга нисбатан) | Қатъий нарх тарифи ** (бир ойлик абонент тўлови) | Қатновлар тарифи*** (бир қатнов нархи) | Бир ойлик чекланган қатновлар сони **** |
|----|--|---|---|---|--|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1 | 1 сўмдан - 1 млн. сўмгача | 7,5 % | 60 000 | 20 000 | 3 |
| 2 | 1 млн. сўмдан - 3 млн. сўмгача | 6 % | 80 000 | 22 000 | 4 |
| 3 | 3 млн. сўмдан - 5 млн. сўмгача | 2,66 % | 100 000 | 25 000 | 4 |
| 4 | 5 млн. сўмдан - 10 млн. сўмгача | 2 % | 175 000 | 27 000 | 10 |
| 5 | 10 млн. сўмдан - 20 млн. сўмгача | 1,75 % | 250 000 | 29 000 | 10 |
| 6 | 20 млн. сўмдан - 50 млн. сўмгача | 1,25 % | 500 000 | 31 000 | 20 |
| 7 | 50 млн. сўмдан - 100 млн. сўмгача | 1 % | 750 000 | 33 000 | Якшанба ва байрам кунларидан ташқари ҳар куни 1 марта (ўртача бир ойда 25 кун) |
| 8 | 100 млн. сўмдан - 150 млн. сўмгача | 0,75 % | 1 000 000 | 44 000 | |
| 9 | 150 млн. сўмдан - 200 млн. сўмгача | 0,66 % | 1 100 000 | 48 000 | |
| 10 | 200 млн. сўмдан - 350 млн. сўмгача | 0,55 % | 1 200 000 | 53 000 | |
| 11 | 350 млн. сўмдан - 500 млн. сўмгача | 0,34 % | 1 400 000 | 62 000 | |
| 12 | 500 млн. сўмдан - 750 млн. сўмгача | 0,28 % | 1 600 000 | 72 000 | |
| 13 | 750 млн. сўмдан - 1 млрд. сўмгача | 0,21 % | 1 800 000 | 79 000 | |
| 14 | 1 млрд. сўмдан - 2 млрд. сўмгача | 0,18 % | 2 000 000 | 90 000 | |
| 15 | 2 млрд. сўмдан - 4 млрд. сўмгача | 0,10 % | 3 000 000 | 135 000 | |
| 16 | 4 млрд. сўмдан - 6 млрд. сўмгача | 0,075 % | 4 000 000 | 175 000 | |
| 17 | 6 млрд. сўмдан - 8 млрд. сўмгача | 0,066 % | 5 000 000 | 220 000 | |
| 18 | 8 млрд. сўмдан - 10 млрд. сўмгача | 0,064 % | 6 500 000 | 285 000 | |
| 19 | 10 млрд. сўмдан - 15 млрд. сўмгача | 0,063 % | 8 000 000 | 350 000 | |
| 20 | 15 млрд. сўмдан - 20 млрд. сўмгача | 0,055 % | 10 000 000 | 440 000 | |
| 21 | 20 млрд. сўмдан - 35 млрд. сўмгача | 0,050 % | 12 000 000 | 530 000 | |
| 22 | 35 млрд. сўмдан - 50 млрд. сўмгача | 0,035 % | 14 000 000 | 615 000 | |
| 23 | 50 млрд. сўмдан - 75 млрд. сўмгача | 0,028 % | 17 000 000 | 750 000 | |
| 24 | 75 млрд. сўмдан - 100 млрд. сўмгача | 0,023 % | 20 000 000 | 880 000 | |
| 25 | 100 млрд. сўмдан юқори | 0,02 % | 30 000 000 | 1 320 000 | |

Изоҳ: * **Фоиз тарифи тўлови** - ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли фоизга кўпайтириш йўли билан аниқланади. Бунда ой давомида миқдорга бориладиган чекланган қатновлар сони жадвалнинг б-устунида белгиланган.

** **Қатъий нарх тарифи тўлови (абонент тўлови)** - ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб хизмат ҳақи тегишли қатъий белгиланган нархга асосан аниқланади. Бунда ой давомида миқдорга бориладиган чекланган қатновлар сони жадвалнинг б-устунида белгиланган.

Миқдор буюртмасига асосан чекланган қатновлар сонидан ташқари ҳар бир қўшимча қатнов учун ҳақ ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб жадвалнинг 5-устунига мувофиқ аниқланади.

*** **Қатнов тарифи тўлови** - ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли қатнов нархини ой давомида миқдорга бориладиган чекланган қатновлар сонига мос равишда (жадвалнинг б-устунида) кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Барча тарифларда дам олиш (якшанба) ва байрам кунлари учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. банди 5 устунига мувофиқ 2 баробар миқдорда ҳисобланади. Бунда ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли қатнов нархи миқдорга дам олиш (якшанба) ва байрам кунлари борилган қатновлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Шунингдек, бир ойлик белгиланган қатнов сонидан ташқари қўшимча қатнов учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. бандидаги тарифнинг 5-устунида кўрсатилган миқдорда тўланади. Бунда ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли қатнов нархи миқдорга бориладиган қўшимча қатновлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

**** *Бир ойлик чекланган қатновлар сони - миждоз томонидан ой давомида инкассация орқали топириладиган нақд пул миқдоридан келиб чиқиб бир ойлик чекланган қатновлар сони белгиланади.*

3.2. Кўрсатилган инкассация хизмати учун “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҚҚС билан тўловнинг, ушбу шартноманинг 3.1 бандида кўрсатилган тарифларга асосан танлаб олинган тариф тури буйича “*Қатъий нарх таърифи*” буйича 2022 йил 18 январдан 31-декабргача бўлган давирда кўрсатиладиган инкассация хизматига 9000.000 Тўн куз миллион сўмни ҳар ойда тақдим қилинган ҳисоб фактурага асосан тўловни амалга оширади.

3.3. Агар “Буюртмачи” ушбу шартноманинг 3.2. бандидаги танлаб олган тарифидан бошқа тарифга ўтмоқчи бўлса, у бу ҳақда “Инкассация хизмати”га кейинги ой бошланишидан 15 кун олдин ёзма равишда мувожаат қилади.

3.4. Бир ойлик белгиланган қатнов сонидан ташқари қўшимча қатнов кўрсатилган инкассация хизмати учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. бандидаги тарифнинг 5-устунида кўрсатилган миқдорда тўланади.

3.5. Дам олиш ва байрам кунлари кўрсатилган инкассация хизмати учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. банди 5 устунида кўрсатилган тарифнинг 2 баробари миқдорида ҳисоб-китоб қилинади ва тўланади.

3.6. “Буюртмачи” кейинги ой учун 30 фоиз миқдорида бўнак (аванс) пули тўлаб беради. Бўнак (аванс) пули ўтган ойда кўрсатилган инкассация хизмати ҳақининг 15 фоизи миқдорида ҳисобланиб, бўнак (аванс) пули кўрсатилган хизматлар учун тақдим этиладиган ҳисоб-фактурада акс эттирилади.

3.7. “Буюртмачи” “Инкассация хизмати” томонидан тақдим этилган тўлов талабномасини ва ҳисоб-фактурани олган кундан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмаган ҳолда тўловни амалга оширади.

3.8. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига асосан Республикада меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори оширилган вақтда хизмат ҳақи қайта кўриб чиқилади.

4. Тарафларнинг жавобгарлиги.

4.1. “Инкассация хизмати”:

4.1.1. Нақд пул тушуми солинган инкассатор сумка (қоп)лари бут сақланиши учун “Буюртмачи” олдидаги жавобгарлиги инкассаторлар пуллик инкассатор сумка (қоп)ларини қабул қилиб олган вақтдан бошланиб, “Банк” вакилига топширган пайтда тугайди.

4.1.2. Инкассатор сумкаси (қоп) ва унга қўйилган пломба бут бўлган тақдирда “Инкассация хизмати” инкассатор сумкаси (қопи) ичидаги пулнинг бутлиги учун “Буюртмачи” олдида моддий жавобгар бўлмайди.

4.1.3. “Инкассация хизмати” “Буюртмачи”нинг буюртмасини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун “Буюртмачи” томонидан “Инкассация хизмати”га ўтган ойда тўлаб берилган хизмат ҳақи суммасининг 0,4 фоизи ҳисобидан, аммо бир ойлик тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.2. “Буюртмачи”:

4.2.1. Кўрсатилган хизматларга ўз вақтида ҳақ тўланмагани учун “Буюртмачи”, “Инкассация хизмати” фойдасига ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланиши лозим бўлган сумманинг 0,4 фоизи ҳисобидан, лекин тўланиши лозим бўлган сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5. Форс - мажор ҳолатлари.

5.1. Ҳеч бир тараф бошқа тарафлар олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч (ер кимираши, сув тошқини, ёнғин ва ҳ.к.), ҳукуматнинг тақиқловчи қарорлари ҳамда ҳукумат томонидан тадбирлар ўтказилган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлар буйича жавобгар эмас.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби.

6.1. Ушбу шартнома ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

6.2. Низоларни тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмаган тақдирда, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иқтисодий суд орқали ҳал қилинади.

7. Бошқа шартлар.

7.1. Мазкур шартномада кўзда тутилган нақд пул тушумини йиғиш ва банк кассасига топшириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли йўриқномаларида белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.

7.2. Ушбу шартнома тарафлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.3. Агар Тарафлардан бири шартномани бекор қилиш истагини билдирса, у бу ҳақда 3 кун олдин ёзма равишда бошқа тарафларга маълум қилиши лозим.

7.4. Ушбу шартномага киритилиши мумкин бўлган барча ўзгартириш ва қўшимчалар тарафларнинг ёзма мувожаатига асосан қўшимча келишув тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

7.5. Шартномада назарда тутилмаган бошқа ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни, Фуқаролик кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

7.6. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган уч нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига б^и нусхадан берилади.

8. Тарафларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.

“Инкассация хизмати”
Ўзбекистон Республикаси Марказий
банкнинг Республика Инкассация
хизмати ДУК Хоразм вилоят бошқармаси
Манзил: Хоразм вилоят Урганч шаҳр Халқ сўзи
кўчаси 125 уй.
Х/Р: 2159 6000 8001 9388 0001
Банк номи: Марказий банк
Банк коди: 00027
СТИР 200 407 942
ОКЭД 82910
Тел: 62-225-90-20, 62-225-90-06
62-225-90-22

С. Абдураҳмонов
(лавозими, Ф.И.Ш.)

ИМЗО



М.Ў.

2022 й. "18" Июль

“Буюртмачи”

Турани ТТБ
Зерасб ш.р.з
А/Е: 4014228603320870731000001
Тел: 26-57-3-74
Х/Р: ИМН: 20137788
Банк номи: Марказий
Банк коди: 00027
СТИР: 23402000300100001010
ККС тўловчи коди: ИМН: 20132918
ИФР: 00014

А. Раҳмонов
(лавозими, Ф.И.Ш.)

ИМЗО



М.Ў.

2022 й. "18" Июль

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma.
2. **Loyihaning nomi:** Gurlan tumani tibbiyot birlashmasi va Inkassatsiya xizmati davlat unitary korxonasi Xorazm viloyat boshqarmasi o'rtasida tuziladigan to'qqiz million so'mlik 02490 -sonli shartnoma loyihasi.
3. **Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Gurlan tumani tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yil 18-yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqarilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuristkonsulti



M.Qo'zibaev

18.01.2022-yil